

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЧОРИҚУЛОВ АКБАР ОРОМҚУЛ ЎҒЛИ

**ОЛТИН РУДАЛАРИНИ ҚАЗИБ ОЛИШДА ЧУҚУР
ГОРИЗОНТЛАРНИНГ КУЧЛАНИШ ҲОЛАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА
ТАЙЁРЛОВ КОН ЛАҲИМЛАРИНИНГ ОПТИМАЛ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contend of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Чорикулов Акбар Оромкул ўғли

Олтин рудаларини қазиб олишда чуқур горизонтларнинг кучланиш ҳолатини тадқиқ қилиш ва тайёрлов кон лаҳимларининг оптимал параметрларини ишлаб чиқиш.....3

Чорикулов Акбар Оромкул угли

Исследование напряжённого состояния глубоких горизонтов золоторудных месторождений и разработка оптимальных параметров подготовительных горных выработок.....21

Chorikulov Akbar Oromkul ugli

Investigation of the stress state of deep horizons of gold deposits and development of optimal parameters of preparatory mining39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЧОРИҚУЛОВ АКБАР ОРОМҚУЛ ЎҒЛИ

**ОЛТИН РУДАЛАРИНИ ҚАЗИБ ОЛИШДА ЧУҚУР
ГОРИЗОНТЛАРНИНГ КУЧЛАНИШ ҲОЛАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА
ТАЙЁРЛОВ КОН ЛАҲИМЛАРИНИНГ ОПТИМАЛ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T2067 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Назаров Зоир Садикович

техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Аликулов Шухрат Шарофович

техника фанлари доктори, доцент

Махмудов Дилмурод Раҳматжонович

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Миллий тадқиқот технологик университети

«МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.T.06.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 9 сентябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com.

Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (95 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Тел.: (79) 223-56-90; факс: (79) 223-00-55.

Диссертация автореферати 2022 йил 18 август куни тарқатилган.

(2022 йил 18 августдаги 50 рақамли реестр баённомаси)



И.Т. Мислибаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Ш. Заиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий қотиби, т.ф.д., профессор

Н.А. Абдуазизов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кончилик саноатининг ривожланиши геодинамик ва геомеханик жиҳатдан хавфли шароитларда бўлган катта чуқурликдаги мураккаб таркибли фойдали қазилма конларини (ФҚК) қазиб олиш билан бевосита боғлиқ. Турли манбаларга кўра, бугунги кунда шахталарда барча тайёрлов кон лаҳимларининг 10-15% қоникарсиз ҳолатда, кейинчалик уларни қайта мустаҳкамлаш талаб этилади. Бироқ, ҳозирги вақтда кўплаб муҳим масалалар ҳал қилинмаган, бу қазиб олинган фойдали қазилма конлари ётқизиғининг кучланиш-деформация ҳолатининг (КДХ) мураккаб характери билан боғлиқ бўлиб, уларни шаклланишида ҳисобга олиш қийин бўлган кўплаб табиий ва техноген омиллар иштирок этади. Ушбу муаммоларнинг ечимларидан бири кон майдони участкаларининг зарбадан хавфлилигини башоратлаш усулларини ишлаб чиқиш ва тоғ жинси массивининг кучланиш-деформация ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. Айниқса, фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазиб олишда, катта чуқурликларда динамик шаклда кон босими пайдо бўлиши ва кон зарбаси хавфи вужудга келишига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёда фойдали қазилма конларини қазиб олиш чуқурлигининг ошириши туфайли кон лаҳимларинимустаҳкамлашда оғир махсус алмаштирилган профилларни (МАП) қўллаш ҳажмининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Сўнги тўрт йилда МАП нархининг деярли икки баробар ўсиши кузатилди, бу арка ромли мустаҳкамлагичларнинг металл ҳажмини, хусусан, кенгайтирувчи элементларни қўллаш орқали камайтириш заруриятини тасдиқлайди. Тоғ жинслари массивини кучланиш деформация ҳолатини баҳолаш усуллари ва воситаларини яратиш ҳамда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, тоғ жинси массивининг табиий кучланиш ҳолатларини ва физик моделлаштириш усули асосида тоғ жинси массивининг геомеханик ҳолатини баҳолаш, шунингдек тоғ жинси массивининг характерли участкалари учун КДХ ўлчамларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ конларида геодинамик ҳудудлаштириш усулида тоғ жинси массивининг табиий кучланиш ҳолатлари, физик моделлаштириш усули асосида массивининг геомеханик ҳолатини баҳолаш ва тоғ жинси массивининг характерли участкалари учун КДХ ўлчамлари аниқлаш самарадорлигини ошириш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида¹ «Республикада тоғ-кон ва қайта ишлаш корхоналари қувватларини ошириш мақсадида минерал-хом ашё базасидан фойдаланиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, инвестицияларни фаол жалб этиш» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, чуқур горизонтларда янада иқтисодий самарали ва технологик ечимлар билан, кон ишларининг хавфсизлигини таъминлайдиган, тайёрловчи кон лаҳимларининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

барқарорлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиий кучланиш майдонини ўрганишган Левинсон-Лессинг Ф.Ю., Динник А.Н., Гзовский М.В., Крупенников Г.А., Турчанинов И.А., Sugavara К. (Швейцария), Myuller L. (Германия), Soutingo А. (АҚШ), Mathar J. (Швеция) каби олимлар катта ҳисса қўшишган. Тоғ жинслари массивини кучланиш-деформация ҳолатини баҳолаш усуллари ва воситаларини яратиш ҳамда қўллаш билан шуғулланган олимлар Ардашев К.А., Ахматов В.И., Катков Г.А., Влох Н.Н., Рассказов И.Ю., Курсакин Г.А., Грицко Г.И., Кулаков Г.И., Кораблев А.А., Кузнецов Г.Н., Филатов Н.А., Шемякин Е.И., Курленя М.В., Анцыферов М.С., Анцыферова Н.Г., Каган Я.Я., Болотин Ю.И., Герман В.И., Мансуров В.А., Глушко В.Т., Ясанский А.А., Турчанинов И.А ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Шунингдек Республикамизнинг бир қатор олимлари, жумладан, Рахимов В.Р., Раимжанов Б.Р., Саййидқосимов С.С., Мислибаев И.Т., Казаков А.Н., Назаров З.С., Хасанов А.Р. ва бошқалар шу йўналишда муҳим ҳиссаларини қўшишган.

Жаҳон амалиётининг адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тоғ жинси массивидаги табиий кучланиш ҳолати иккита таъсир этувчи куч натижасида шаклланади: тоғ жинсининг ўз оғирлигидан келиб чиқадиган вертикал ёки гравитацион кучлар ва ер қаъридаги тектоник ҳаракатлар (неотектоник фаоллик) натижасида келиб чиқадиган горизонтал ёки тектоник кучлардир.

Тоғ жинси массивидаги табиий кучланиш ҳолати бўйича дунёнинг турли нуқталаридаги ер ости иншоотларида, жумладан, Донбасс, Урал, Курск, Кольск яримороли, Қозоғистон, Олтой, Саян, шунингдек, Шпицберген, Норвегия, Ирландия, Канада, АҚШнинг шарқий қисмида, Шарқий Австралия, Исландияда, Африкада, Алп тоғининг шарқий қисми, Португалия ва Малайзиянинг шахта ва тоннелларида тадқиқотлар олиб борилган.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили натижасида маълум бўлдики, деярли барча массивларда вертикал сиқувчи кучлардан бир неча баробар ошиб кетадиган горизонтал сиқувчи кучлар мавжуд. Горизонтал сиқувчи кучлар бир текис тақсимланмаган, турли йўналишдаги массивларда ён томон босим коэффициентининг энг юқори кўрсаткичлари билан тектоник кучланиш ўлчамлари турли қийматларга эга бўлиши мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети илмий тадқиқот ишлари режасининг №2 – «Қарақутон руднигининг ер ости кон лаҳимларини ўтишда шпурлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш» ва №22-07 – «Мурунгов конини комбинациялашган усулда қазиб олишнинг истиқболли технологик схемасини ишлаб чиқиш ва уларни қазиб олишда лаҳимларнинг турғунлигини баҳолаш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чуқур горизонтларда тайёрлов кон лаҳимларининг кучланиш ҳолатини оптимал параметрларини тадқиқ қилиш ва горизонтал тайёрлов кон лаҳимларидаги металл арка ромли мустаҳкамлагичларнинг юк кўтариш қобилиятини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кон босимининг динамик намоён бўлиши нуқтаи назаридан ва кучланиш ҳолати бўйича ўхшаш конларни кўриб чиқиш ва жаҳон амалиётини таҳлил қилиш;

Зармитан конида кон босимининг намоён бўлиш шароитлари ва хусусиятларини ўрганиш;

Зармитан конининг чуқур горизонтларида кон босимининг намоён бўлишини ўрганиш ва акустик эмиссиянинг синовли ўлчамларини ўтказиш;

битта кон лаҳими атрофидаги табиий ва тектоник бузилишлар билан мураккаблашган кон массивида деформациялар ва кучланишларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганиш;

металл арка ромли мустаҳкамлагичларнинг кучланиш-деформация ҳолатини ўрганиш ва Зармитан кони шароитлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

металл арка ромли мустаҳкамлагичларни ҳисоблашнинг математик моделини ишлаб чиқиш, уларни ҳисоблаш схемасини такомиллаштириш ва ҳисоблаш вариантларининг блок-схемасини ишлаб чиқиш;

Solid Works Flow Simulation дастури ёрдамида металл арка ромли мустаҳкамлагичларнинг кучланиш-деформация ҳолатини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида горизонтал кон лаҳимларидаги металл арка ромли мустаҳкамлагичларнинг кучланиш ҳолати ва уларнинг юк кўтариш қобилиятини ўзгариши танланган.

Тадқиқотнинг предметини горизонтал тайёрлов кон лаҳимларининг кучланганлик ҳолати ва металл арка мустаҳкамлагичларнинг КДҲни ҳисоблашнинг математик модели ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кон лаҳимларини металл мустаҳкамлагичлар билан мустаҳкамлаш тажрибасинининг назарий ва экспериментал таҳлили, лаборатория ва саноат шароитида экспериментал тадқиқотлар, арка ромли мустаҳкамлагичларнинг кучланиш-деформация ҳолатининг аналитик тадқиқи бўйича тадқиқотларнинг умумлашган усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

СБ-32М (САПФИР) ўлчов асбоби ёрдамида ўтказилган синов ўлчовлари натижасида Зармитан кони шароитлари учун массивнинг кучланиш-

деформация ҳолати баҳоланган, массив участкаларининг кучланганлик ҳолатига прогноз берилган ва коннинг турли қисмларининг деформациялари ва кон зарбасига мойиллиги аниқланган;

табiiй ва тектоник бузилишлар билан мураккаблашган тоғ жинслари массивида деформация ва кучланишларнинг тарқалиши аниқланган;

лаҳим гумбазидаги мустаҳкам қатламли жинсларнинг горизонтал ва вертикал силжиши, тектоник жиҳатдан бузилган қатламларнинг горизонтал ва вертикал силжишларининг лаҳим ўқиға нисбатан ҳаракати аниқланган;

мустаҳкамлагичнинг чап ва ўнг томонида ҳамда гумбаз қисмида жойлашган куч таъсиридан эгилиш моментини ҳисобға олган ҳолда бошқарув кучи таъсирига эға кенгайтирувчи элементлар билан металл арка ромли мустаҳкамлагични ҳисоблашнинг математик модели, ҳисоблаш схемаси ва блок-схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

горизонтал кон лаҳимларида металл арка ромли мустаҳкамлагичларни ҳисоблаш учун математик модел методикаси, ҳисоблаш схемаси ва блок-схемаси ишлаб чиқилган;

Зармитан кони шароитида кон босими ва кучланиш хавфини баҳолаш учун СБ-32М асбоби ёрдамида акустик эмиссия кўрсаткичларини ўлчаш маълумотларини тўплаш бўйича кўрсатма ишлаб чиқилган;

кон ишларининг геомеханик ҳолатини сезиларли даражада яхшилаш ва ҳозирги бозор шароитида қимматбаҳо металл конструкцияларни истеъмол қилишни сезиларли даражада камайтириш имконини берувчи тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги чуқур горизонтларнинг кучланиш ҳолатини тадқиқ қилиш ва горизонтал тайёрлов кон лаҳимларини металл арка ромли мустаҳкамлагичларининг ушлаб туриш қобилиятини ошириш бўйича ишнинг аосий ғоясининг миқдорий жиҳатдан тасдиқланган ҳамда етарли даражада мослиги билан математик моделлаштириш орқали массивнинг кучланиш-деформация ҳолатини аниқлаш бўйича назарий, аналитик тадқиқотларнинг сезиларли ҳажми билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти металл арка ромли мустаҳкамлагичларни ҳисоблаш учун математик модел, ҳисоблаш схемаси ва блок-схемасини назарий асослаш, бошқариш кучи билан эгилиш моментининг мустаҳкамлагичнинг чап ва ўнг устунида ҳамда гумбазида жойлашган куч таъсиридан, табiiй ва тектоник бузилишлар билан мураккаблашган тоғ жинслари массивида металл арка ромли мустаҳкамлагичнинг деформацияларини башоратлаш билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чуқур горизонтларда янада иқтисодий самарали ва технологик ечимлар билан кон ишларининг хавфсизлигини таъминлайдиган ва тайёрловчи кон лаҳимларининг барқарорлигини таъминлашға хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чуқур горизонтларда тайёрлов кон лаҳимларининг кучланиш ҳолатини оптимал параметрларини тадқиқ қилиш ва горизонтал тайёрлов кон лаҳимларидаги металл арка ромли

мустаҳкамгичларнинг юк кўтариш қобилиятини ошириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида:

горизонтал кон лаҳимларининг металл арка ромли мустаҳкамлагичларини ҳисоблаш схемаси ва ҳисоблашнинг блок-схемаси «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ Зармитан конида жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 25 майдаги 2301-01-07/368-сон маълумотномаси). Натижада, металл арка ромли мустаҳкамлагичларга тушадиган кучланишни аниқлаш имконини берган;

кучланиш ва зарбага хавфлилигини баҳолаш учун СБ-32М асбоби ёрдамида акустик эмиссия кўрсаткичлари ўлчовларининг маълумотларини олиш бўйича қўлланма «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ Зармитан конида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 25 майдаги 2301-01-07/368-сон маълумотномаси). Натижада, Зармитан кони турли қисмларининг деформациялари ва кон зарбасига мойиллигини аниқлаш имконини берган;

кон ишлари хавфсизлигини ва металл арка ромли мустаҳкамлагичнинг турғунлигини таъминлаш бўйича тавсиялар «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ Зармитан конида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 25 майдаги 2301-01-07/368-сон маълумотномаси). Натижада, металл арка ромли мустаҳкамлагичлардан фойдаланиш ҳажмини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан Республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кон босимининг кучланиш ҳолати ва динамик намоён бўлиши бўйича жаҳон амалиёти таҳлили ва ўхшаш конларни ўрганиш**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқот ишлари ва

жаҳон амалиётининг келтирилган таҳлилидан, кон босими ва кон зарбалари механизмини ўрганиш бўйича қуйидаги асосий илмий йўналишлар аниқланди: дунё бўйича ер ости конларида кон босими ва кон зарбаларининг намоён бўлиш шароитларининг геологик ва кон-техник тавсифи; кон босими ва кон зарбаларининг механизми ва энергетик балансининг табиатга таъсирининг баёни; кон босими ва тоғ жинсларининг потенциал зарбини башоратлаш муаммоларини ёритиш; алоҳида участкаларнинг зарбага хавфлилик даражасини ва кон зарбасини бартараф этиш бўйича қўлланиладиган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш; кон зарбаларини ўрганиш ва башоратлаш воситасини ишлаб чиқиш ҳамда ер ости конларида кон зарбасини бартараф этиш чора-тадбирларини жорий этиш.

Кон босимининг динамик намоён бўлишига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири массивнинг кучланганлик ҳолати бўлганлиги сабабли, кон массивининг табиий кучланганлик характерининг кон босимини динамик шаклда намоён бўлиш хусусиятига таъсирининг таҳлили келтирилган.

Кон массивида горизонтал ва вертикал кучланишлардан ташқари шунингдек, умумкучланиш майдонининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд. Ушбу омилларга қуйидагилар тааллуқли: массивнинг шаклланиш шароитлари, термик таъсирлар, тоғ жинсларининг физик-механик хусусиятлари, ер юзасининг рельефи, ер ости ва ер усти сувларининг таъсир қилиши, космик кучлар. Бу омиллар асосий ҳисобланмайди ва улар асосий кучланиш майдонини ўзгартириш ролини ўйнайди, аммо, уларнинг биргаликдаги таъсири жуда муҳим бўлиши мумкин ва гравитацион-тектоник кучларни бир неча баробарга ошириши мумкин.

Шу тариқа, тоғ жинсларининг табиий ёки бошланғич кучланиш майдонини аниқлаш муаммоси геомеханиканинг жуда муҳим муаммоси ҳисобланади ва ҳалигача ўз ечимини тўлиқ топмаган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Зармитан конида кон босимининг намоён бўлиш шароитлари ва ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган. Коннинг структурасини шаклланишида ҳал қилувчи роль тектоник узилишга тегишли, ёриқлар ҳудуди рудани бошқарувчи структура ҳисобланади. Коннинг муҳандис-геологик шароитлари мураккаблик даражаси бўйича ўртача категорияли мураккабликка тааллуқли. Қопловчи тоғ жинсларининг характерли хусусияти фаол тектоник бузилиш ҳисобланади. Бунда, кон ишларини олиб бориш чуқурлигининг ортиб бориши билан тектоник бузилиш даражаси ошиб бориши қайд этилган. Тоғ жинсларининг физик-механик хусусиятлари олти турдаги тоғ жинслари учун ўрганилди: кўмирлашган лойли, кўмирли кварцсимон-слюдали сланецлар, гранитлар, сиенитлар, граносиенитлар ва руда таналари.

Зармитан конида кон босимининг намоён бўлиши турли-туман характерга эга. Шубҳасиз, кон босимини намоён бўлишининг алоҳида ҳолатлари юқори горизонтларда ҳам ўз ўрнига эга бўлган, лекин, охириги йилларда улар ишлаб

чиқариш жараёни ва корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсата бошлади.

Кон босимининг намоён бўлиши статик ва динамик характерга эга. Зармитан конида кон босимининг намоён бўлишининг асосий сабаби массивнинг ниҳоятда бир жинсли бўлмаган геологик тузилиши ҳисобланади.

Модомики, конни қазиб олиш чуқурлигининг ўсиб бориши билан тектоник бузилиш кучаяр экан, частота ва энергетик даражасининг ошишини кон босимини ҳам статик, ҳам динамик намоён бўлиш шакли деб башоратлаш мумкин.

Зармитан конида қазиб олиш ва бўш тоғ жинсларидан ўтилган лаҳимлар ҳудудларида массив участкаларининг зарбага хавфлилигини башоратлаш, кучланишга мойиллигини ва кучланиш ҳолатини баҳолаш учун СБ-32М (САПФИР) асбоби ёрдамида акустик эмиссия (АЭ) ўлчамларини синов ўлчаш ишлари ўтказилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида кон шароити учун асбобнинг иш бажариш қобилияти текширилди ва кон зарбасига хавфлиликка мойиллигини башоратлаш сифатида акустик эмиссия усулининг самарадорлиги тасдиқланди.

Барча ўлчов натижалари, тадқиқ этилаётган участкадаги тоғ жинслари ва рудалар эластик деформацияга ва мўрт бузилишга мойиллигини тасдиқлади, яъни кон зарбасининг намоён бўлишига мойил. Ўлчов натижалари 1-жавдалда келтирилган:

ўртача фаоллик – вақт бирлигидаги импульслар сони (15 секунд оралиғида), $N_{15 \text{ сек}}$;

спектрнинг юқори частотали диапазонда импульсларнинг амплитудали тарқалиш кўрсаткичи, b .

1-жадвал

АЭ ўлчамларини ўлчаш натижалари


Ўлчаш вақти	Ўлчаш жойи		N	b'	Пйдан кейинги вақт	Изоҳ
28.06.2021	Блок 50104а-50105а	1 нимқават гор. 615 м	129,7	1,8	2:00	
		2 нимқават гор.630 м	2,5	5,6	9:20	
29.06.2021	Блок 50106а-50107а	2 нимқават чап қанот	3,2	2,7	3:22	Томирсимон ковжой ичида
		2 нимқават ўнг қанот	3,8	2,4	3:32	Ўлчаш вақтидаги овоз
		1 нимқават чап қанот	11,1	3,3	3:20	Тоғ жинсидаги овоз
	гор 600 дала штреки		101,6	37,0	3:45	Портлашдан кейин ковжойда турли овозлар чиқди. Катта бўлмаган энергияли импульслар кўп, катта импульс билан кам. Ёрикланиш ҳисобига тарқалиш ҳосил бўлмоқда
ҚТС. Ковжой. Гор.590 м. Шпур 1		68	19,2	>24 соат	Шпур ўлчашдан олдин бургуланган, массивда ёрилиш. Шпур олди майдонда очик майдонга қараб чиқиш кузатилди.	

Келтирилган ўлчов натижалари шуни тасдиқладики, тадқиқ этилаётган участкаларда массив эластик деформацияга ва кон зарбаларининг намоён


бўлишига мойил. Массивнинг четки қисмларида тоғ жинси чегараланган ҳолатда. Вақт бирлигида кўп сонли импульсларнинг мавжудлиги, кон зарбасига мойиллигини характерловчи мўрт микро бузилишлар жараёнини кўрсатади.

Кейинчалик, динамик намоёнларнинг ташқи белгилари тўғрисидаги кўшимча маълумотларга эга бўлган турли кон-техник шароитларда ўтказилган ўлчашлар асосида массив участкаларини кон зарбаси бўйича «хавфли» ва «хавфсиз» деб таснифлаш мезонлари белгиланади. Тадқиқотнинг бошланғич босқичида акустик эмиссия жараёнини импульслар сонини дақиқада тақсимланишининг мезонларини белгилаш даражаси билан солиштирган ҳолатда кўриб чиқамиз.

Намуна учун 50106а – 50107б блок, 1-нимқават, чап қанотдаги ўлчашлар натижаларини куйида кўриб чиқамиз (1-расм).



1-расм. Ўрнатилган катталиклар даражасига кўра бир дақиқа ичида импульслар сонининг тарқалиши билан акустик эмиссиянинг кетиш жараёни графиги



2-расм. Ўрнатилган мезонлар даражасига таққослаганда дақиқа давомида акустик эмиссиянинг жараёнининг оқиши графиги

50106а-50107а блок, 2-нимқават ўнг қанотдаги ўлчашларда ПИ дан 3 соат 32 минутдан кейин АЭ N=3,8 дан паст бўлганда графикда фаоллик ва импульсларни юқори энергия билан ўсиши аниқ кўриниб турибди (2-расм). Олдинги ўлчашлар билан солиштирганда, ушбу шароитлар, нисбатан паст кучланиш ҳолатида эластик жараённинг беқарорлигини кўрсатади.

Шу тариқа, синов ўлчашларини ўтказиш, конда зарбага хавфлилик шароитларини юзага келишини кўрсатади ва кон зарбаси бўйича хавфли участкаларни аниқлаш имконини беради.

Кон зарбасига хавфлилигини башоратлаш сифатида акустик эмиссия параметрларининг бошланғич синов ўлчовлари, кон босимини намоён бўлишининг аниқланган ташқи динамик белгилари ва қазиб олиш ишларида бутунликларни бузилиш сабаблари таҳлилини ўз ичига олган маълумотлар жамланмаси, кон ва унинг бир қисмининг кон зарбасига мойиллигини шунингдек, кон босимининг динамик намоён бўлиши бўйича алоҳида хавфли участкалари мавжудлигини кўрсатади. Акустик эмиссиянинг руйхатга олинган ўлчамлари массивнинг кучланиш-деформация ҳолатини, кучланиш даражасини, деформацияланиш характерини, бузилиш эҳтимолини акс эттиради.

Диссертациянинг «**Битта кон лаҳими атрофидаги табиий тектоник бузилишлар билан мураккаблаган тоғ жинси массивида деформация ва**


кучланишларнинг тарқалиш қонуниятларини тадқиқи» деб номланган учинчи бобида, битта тайёрлов кон лаҳими атрофида ялпи ва сунъий бузилишлар билан заифлашган массивларда кучланиш ва деформациянинг тарқалиш характерини структурали методика асосида тадқиқ қилиш ва ўрганиш 3-расмда келтирилган.

Тоғ жинси қатламининг горизонтал жойлашишида битта кон лаҳимининг таъсир қилиш ҳудудида тектоник жиҳатдан бузилган массивда КДХ нинг параметрлари кучланиш, силжиш, деформациянинг тарқалиш характерига заифлаштирувчи юзаларнинг таъсири аниқланди.

Иккита схема, яъни, ялпи қатламли массивдаги тайёрлов лаҳими ва қатламларни ўз ичига олган ҳолатдаги тектоник жиҳатдан бузилган қатламли массивда ҳисоблаш схемалари кўриб чиқилди. Ушбу схемалар 3а ва 3б-расмларда келтирилган.

Тадқиқот учун тоғ жинси қатламлари тизимини ўз ичига олувчи стратиграфик колонка қабул қилинган. Асосий вариантда эластиклик модули қабул қилинган ва барча тоғ жинси қатламининг мустаҳкамлиги бир хил. Асосий вариантда кон лаҳими кенглиги 5 м, баландлиги 3 м қилиб қабул қилинган (3а-расм). Заифлашган массивда КДХ ни аниқлаш учун ҳар бир тоғ жинси қатламининг орасига сунъий қатламлар киритилган (3б-расм). Иккала ҳолатда ҳам қазиб олиш чуқурлиги $H=300$ м.

Моделлаштириш натижалари бўйича кучланишнинг тўлиқ вектори, деформация ва силжишнинг тўлиқ вектори аниқланди. Мисол учун ялпи қатламли массивда ўтказилган лаҳим таъсири остида вертикал силжишларнинг тарқалиши 4а-расмда келтирилган. Ўхшаш схемалар заифлашган қатламли массивда кучланиш ва деформация учун олинган (4,б-расм).



а - ялпи массив;
 б - заифлашган массив
3 расм. Тайёрлов кон лаҳими атрофида КДХ ни тарқалишини тадқиқ этиш учун ҳисоблаш схемалари

Олинган маълумотлар ҳажмининг катталиги ва ўлчамларни ўзгартирганда унинг интерпретациясининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда модель учун характерли вертикал кесимлар танланди. Улар орқали ҳисоблаш катталиклари танланган ва графиклар шакллантирилган. Лаҳим ён томони бўйича I-I кесим ва лаҳим ўқи бўйича II-II кесим 3-расмда кўрсатилган.


Битта лаҳимнинг таъсирини баҳолаш, ялпи массивнинг деформацияланиши ва лаҳим таъсири остида заифлашишидан олинган графикларни солиштириш орқали амалга оширилди.

Кон лаҳимларининг горизонтал силжиши (I-I кесим) лаҳим ўқи томонга йўналган. Ялпи ва заифлашган қатламли массивларда горизонтал силжишларнинг тарқалиш характерини тубдан фарқ қилади (5-расм).

Горизонтал кучланишлар. Ялпи массив учун I-I кесимда горизонтал кучланишларнинг тарқалиши эластиклик назарияси бўйича аналитик ҳисоблашлар натижалари учун характерли, яъни, лаҳим шифти ва асосига яқинлашганда, сиқувчи босим пасаяди ва лаҳим ён томонида нолга тенг.




а)




б)

а – ялпи массив;
б – заифлашган массив
4-расм. Тайёрлов кон лаҳимлари атрофида вертикал силжишининг изоҳизиклари




5-расм. Тайёрлов кон лаҳими атрофида I-I кесим бўйича горизонтал силжишларнинг тарқалиш характерининг ўзгариши



6-расм. I-I кесим бўйича тайёрлов кон лаҳими атрофида горизонтал кучланишларнинг тарқалиш характерининг ўзгариши

Заифлашган массив учун кучланиш тарқалишининг даврий характери кузатилади, бунда, юмшоқ қатламларда максимал сиқувчи кучланишлар устунлик қилади, қаттиқ қатламларда эса, кучланиш, ялпи массив учун ҳисобланган кучланишга яқин (6-расм).



7-расм. I-I кесим бўйича тайёрлов кон лаҳими атрофида горизонтал деформацияларнинг тарқалиш характерининг ўзгариши

I-I кесим бўйича (7-расм) горизонтал деформациялар ўзгарувчан ишорали.

Шу билан бирга, юмшоқ қатламлар билан заифлашган қатламли массивда юмшоқ тоғ жинси қатламларида максимал деформациялар ва қаттиқ тоғ жинси қатламларида минимал деформациялар билан даврий равишда деформациялар тарқалиши кузатилади.

Шунингдек, диссертацияда келтирилган ўхшаш моделлаштириш орқали вертикал кучланишлар, деформациялар ва силжишларнинг тўлиқ вектори аниқланган. Тоғ жинси қатламини жойлашиш чуқурлигининг, битта

кон лаҳимининг таъсир ҳудудидаги табиий заифлашган юзалар ва тектоник бузилишлар билан мураккаблашган тоғ жинси массивида кучланиш ва деформациянинг тарқалишига таъсирининг тадқиқоти келтирилган.

Тоғ жинси қатламининг горизонтал жойлашишида моделлаштириш натижалари бўйича аниқландики, қазиб олиш чуқурлигининг ва лаҳим кенглигининг ўзгариши, вертикал ва горизонтал кучланиш, деформация ва силжишлар характериға сезиларли таъсир қилади.

Қазиб олиш чуқурлигининг таъсирини баҳолаш, $H=300$ м, $H=500$ м ва $H=700$ м чуқурликларда заифлашган тектоник жиҳатдан бузилган ёриқдор тоғ жинслари қатламининг деформацияланишидан олинган графикларни солиштириш орқали амалға оширилди. Ушбу солиштириш графиклари диссертацияда келтирилган. Шундай қилиб, тайёрлов кон лаҳими атрофидаги тектоник жиҳатдан бузилган массивда кучланиш, деформация ва силжишларнинг ўзгариш графиклари асосида, тектоник жиҳатдан бузилган массивда заиф боғланишларнинг таъсири аниқланди, улар қуйидагича намоён бўлади: қазиб олиш чуқурлигининг ортиб бориши билан лаҳим ён томонида қаттиқ ва юмшоқ қатламларда горизонтал силжишларнинг фарқи ортиб боради, мос равишда қаттиқ ва заифлашган қатламларда силжишлар фарқи ошиб боради. Жумладан, қазиб олиш чуқурлиги 300 м бўлганда ўртачадан оғиш 30% ни, 500м бўлганда 50% ни, 700м бўлганда 67 % ни ташкил этади;

лаҳимнинг вертикал ўқи бўйлаб кўндаланг кесимида асос ва шифт тоғ жинсларининг вертикал силжиши, тектоник жиҳатдан бузилган қатлам тоғ жинсининг мустаҳкамлик чегарасини қаттиқ қатламли тоғ жинсининг мустаҳкамлик чегарасига нисбатида $K=0,005-1,000$ лаҳим ён томони бўйича асос ва шифт тоғ жинсларига қараганда 2-2,4 баробар катта;

тектоник жиҳатдан бузилган қатламларда асос ва шифт тоғ жинсларида горизонтал кучланишлар қаттиқ қатламдаги кучланишга қараганда анча юқори бўлади. Лаҳимнинг вертикал ўқи бўйича кўндаланг кесимда горизонтал кучланишлар ўзгарувчан ишорали. Тайёрлов кон лаҳими кенглигининг 3 м дан 7 м гача ўзгаришида, битта кон лаҳими атрофида, заифлашган юзаларнинг горизонтал кучланишлар ва деформацияларга таъсири лаҳим ўқи бўйлаб шифт тоғ жинсларида 1,5 баробарга, асос тоғ жинсларида эса 4 баробарга камаяди.

Диссертациянинг «**Зармитан кони шароитида кучланиш деформация ҳолатини тадқиқ қилиш ҳамда арка ромли мустаҳкамлагичларни юк кўтариш қобилиятини ошириш учун тавсиялар ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида арка ромли мустаҳкамлагичларнинг юк кўтариш қобилиятини ошириш ва мустаҳкамлагич рамасининг лаҳим чегараси билан ўзаро таъсир қилиш усуллари кўриб чиқилган, ҳисоблашнинг математик модели асосланган, металл арка ромли мустаҳкамлагичга бўлган кучланишни ҳисоблаш схемаси такомиллаштирилди.

Урал давлат кончилик университетининг «Шахта қурилиши» кафедраси томонидан таклиф этилган арка ромли мустаҳкамлагичларни схемасидаги ҳисоблашда ён томондан бўладиган босим тенглиги $TA=TE$ назарда тутилган, мос равишда:

$$q_B \cdot H = R \cdot (q_B + q_{BD}) + q_B \cdot (H - R). \quad (1)$$

Ушбу шартлар, фақатгина кон лаҳимининг бутун периметри бўйича, тоғ жинси массивининг металл арка ромли мустаҳкамлагич билан идеал ўзаро таъсирини таъминлашда бажарилади. Арка ром оралиқларини паст сифат кўрсаткичли ёки юқори эгилувчанликка эга тўлдирмалар билан тўлдирилганда бундай ўзаро боғлиқликни ҳар доим ҳам амалга ошириб бўлмайди.

Асимметрик босимда таянч алоқалар реакциясининг таъсири истисно қилинади, бу арка ромли мустаҳкамлагичнинг ишини ноаниқ ҳисобга олади. Шу сабабдан, ён томон босимлари нисбатининг қуйидаги тенглиги аниқроқ бўлади:

$$q_B \cdot H + T_A = R \cdot (q_B + q_{BD}) + q_B \cdot (H - R) + T_E, \quad (2)$$

бунда: q_D – тоғ жинси шаклланиши таъсирини характерловчи қўшимча босим МПа; q_{BD} , q_B – қўшимча босимнинг вертикал ва ён томон ташкил этувчилари, МПа.


Статика тенгламаларига мувофиқ таянч реакциялар қуйидаги ифодалар билан аниқланади:

$$T_A = R \cdot (q_B + q_{BD}) + q_B \cdot (H - R) - q_B \cdot H; \quad (3)$$

$$V_A = \frac{3 \cdot q \cdot R^2 - q_B \cdot H^2 + R \cdot (q + q_{BD})}{4 \cdot R} - \frac{q_B \cdot (H - R)^2}{4 \cdot R}; \quad (4)$$

$$V_E = \frac{q_B \cdot H^2 + q \cdot R^2 + 3 \cdot R^2 \cdot (q + q_{BD})}{4 \cdot R} + \frac{R \cdot (q_B + q_{BD}) \cdot (2 \cdot H - R) - q_B \cdot (H - R)^2}{4 \cdot R}. \quad (5)$$

Арка ромнинг мураккаб тузилиши туфайли ҳисоблаш участкалари бўйича олиб борилади ва ички босимнинг таъсиридан бўладиган эгувчи моментлар аниқланади. Чап устунда, гумбазда (ВСД участка), биринчи устунда (ДЕ участка) ва ўнг устунда жойлашган X_i кучлари таъсири моменти 9-расмда ифодаланган схемаларга мос равишда аниқланади.



8-расм. Чап устунда, гумбазда ва ўнг устунда жойлашган X_i кучлари таъсиридан бўладиган эгувчи моментни аниқлаш схемаси

Эпюрани қуриш учун ҳар бир аниқ нуқтада босимлар йиғиндисининг таъсиридан бўладиган эгувчи момент қуйидаги формула бўйича аниқланади:


$$M = M_1 \cdot X_1 + M_2 \cdot X_2 + \dots + M_n \cdot X_n + M_p. \quad (6)$$

Кучланиш, деформация ва силжишлар қийматини аниқлаш мақсадида, куч таъсири остида металл арка ромли мустаҳкамлагичларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечиш учун, қўшимча бир томонлама уланишларни (анкер тугунлари, кенгайтирувчи элементлар) ҳисобга олган ҳолда ҳисоблашнинг блок-схемаси ишлаб чиқилди ва замонавий Solid Works Simulation компьютер дастурини қўллаган ҳолда тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда берилган. 9-расмда арка ромли мустаҳкамлагичнинг кучланиш, деформация ва силжишларини тадқиқ этиш натижалари намунаси келтирилган.

2-жадвал

Лаҳимнинг жойлашиш чуқурлиги ва кесимига боғлиқ ҳолда металл арка ромли мустаҳкамлагичларнинг кучланиш, силжиш ва деформациясини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари

Лаҳимнинг жойлашиш чуқурлиги, м	Мустаҳкамлагичдаги кучланиш, МПа	Мустаҳкамлагичдаги силжиш, мм	Мустаҳкамлагичдаги деформация, ϵ (1 мм/м)
Лаҳимнинг кўндаланг кесим юзаси 7,8 м²			
300	128 _{max} – 16,3 _{min}	0,036 _{max} – 0,00 _{min}	4,0 _{max} – 3,5 _{min}
500	217 _{max} – 30,2 _{min}	0,061 _{max} – 0,00 _{min}	6,8 _{max} – 5,3 _{min}
700	299 _{max} – 39,3 _{min}	0,083 _{max} – 0,00 _{min}	9,4 _{max} – 8,0 _{min}
Лаҳимнинг кўндаланг кесим юзаси 9,0 м²			
300	137 _{max} – 24,0 _{min}	0,08 _{max} – 0,00 _{min}	4,6 _{max} – 0,07 _{min}
500	229 _{max} – 40,6 _{min}	0,14 _{max} – 0,00 _{min}	7,6 _{max} – 1,5 _{min}
700	321 _{max} – 57,5 _{min}	0,19 _{max} – 0,00 _{min}	9,8 _{max} – 2,1 _{min}




9-расм. Кўндаланг кесим юзаси 7,8 м² ва қазиб олиш чуқурлиги 300 м бўлган арка ромли мустаҳкамлагичнинг кучланиш, силжиш ва деформациясининг тадқиқот натижалари

Тадқиқотлар натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, лаҳим кесим юзаси 7,8 м² ва қазиб олиш чуқурлиги 300 м бўлганда 128 МПа максимал кучланиш мустаҳкамлагич асосига таъсир қилади, 16,3 МПа минимал кучланиш мустаҳкамлагич гумбазига таъсир қилади.


0,036 мм лик максимал силжиш мустаҳкамлагичнинг тўғри чизиқли

участкаси марказида кузатилади, 0,00 мм лик минимал силжиш мустаҳкамлагич гумбазида кузатилади. 4,0 е (1 мм/м) максимал деформация мустаҳкамлагич асосида кузатилади, 3,5 е (1 мм/м) минимал деформация мустаҳкамлагич гумбазида кузатилади.

Металл арка ромли мустаҳкамлагичлардаги кучланиш, силжиш ва деформацияни аниқлаш бўйича 2-жадвалда келтирилган тадқиқотлар натижаси асосида мустаҳкамлагичдаги кучланиш, силжиш ва деформацияларнинг ўзгаришини лаҳимнинг жойлашиш чуқурлиги ва 7,8 – 9,0 м² лик кўндаланг кесим юзасига боғлиқлик графиклари олинди. (10-12-расмлар)




10-расм. Лаҳим кўндаланг кесим юзаси 7,8-9,0 м² бўлганда, мустаҳкамлагичдаги кучланиш ўзгаришининг лаҳимнинг жойлашиш чуқурлигига боғлиқлиги



11-расм. Лаҳим кўндаланг кесим юзаси 7,8-9,0 м² бўлганда, мустаҳкамлагичдаги силжиш ўзгаришининг лаҳимнинг жойлашиш чуқурлигига боғлиқлиги

10-расмда келтирилган график шуни кўрсатадики, қазиб олиш чуқурлигининг 300 дан 700 м гача ошиб бориши билан, лаҳимнинг кўндаланг кесим юзаси 9,0 м² бўлганда, кучланиш 13 дан 33 МПа гача, кўндаланг кесим юзаси 7,8 м² бўлганда, кучланиш 12 дан 29 МПа гача ошади.

11-расмда келтирилган график шуни кўрсатадики, қазиб олиш чуқурлигининг 300 дан 700 м гача ошиб бориши билан, лаҳимнинг кўндаланг кесим юзаси 9,0 м² бўлганда, силжиш 0,12 дан 0,28 мм гача, кўндаланг кесим юзаси 7,8 м² бўлганда, силжиш 0,6 дан 0,19 мм гача ошади.



12-расм. Лаҳим кўндаланг кесим юзаси 7,8-9,0 м² бўлганда, мустаҳкамлагичдаги деформация ўзгаришининг лаҳимнинг жойлашиш чуқурлигига боғлиқлиги

Боғлиқлик (12-расм) шуни кўрсатадики, қазиб олиш чуқурлигининг 300 дан 700 м гача ошиб бориши билан, лаҳимнинг кўндаланг кесим юзаси 9,0 м² бўлганда, деформация 4,5 дан 10,0 е гача, кўндаланг кесим юзаси 7,8 м² бўлганда, деформация 4,0 дан 9,0 е гача ошади.

Ишлаб чиқилган математик модель, такомиллаштирилган ҳисоблаш схемаси ва ҳисоблаш блок-схемасини қўллаган ҳолда, металл арка ромли

мустаҳкамлагичнинг кучланиш-деформация ҳолатини тадқиқ этишдан олинган натижалар, арка ромли мустаҳкамлагичларнинг юк кўтариш қобилятини

ошириш учун тавсиялар ишлаб чиқишга, шунингдек, Зармитан кони шароитида кон ишларини олиб бориш хавфсизлигини таъминлайдиган янада самарадор иқтисодий ва технологик ечимлар билан чуқур горизонтларда тайёрлов кон лаҳимларини туруғунлигини таъминлашга имкон беради.

Кон ишларини олиб бориш хавфсизлигини таъминлаш ва Зармитан конига тадқиқ этилган металл арка ромли мустаҳкамлагичларни сақлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар кон лаҳимларининг геомеханик ҳолатини сезиларли даражада яхшилади, бу эса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қиммат турувчи металл конструкцияларини истеъмолини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

ХУЛОСА

«Олтин рудаларини қазиб олишда чуқур горизонтларнинг кучланиш ҳолатини тадқиқ қилиш ва тайёрлов кон лаҳимларининг оптимал параметрларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Ўтказилган тадқиқотларнинг ва жаҳон амалиётининг кўп йиллик тажрибалари билан тасдиқланган таҳлили шуни кўрсатадики, кон босимининг динамик намоён бўлишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири, тоғ жинси массивидаги горизонтал ва вертикал кучланишлардан ташқари массивнинг табиий кучланиш ҳолати ҳисобланади. Шунингдек, умумкучланиш майдонининг шаклланишига таъсир қилувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд.

2. СБ-32М (САПФИР) асбоби билан ўтказилган синов ўлчовлари унинг Зармитан кони шароити учун иш бажариш қобилиятини кўрсатади, асбоб ёрдамида рўйхатга олинган акустик эмиссия (АЭ) ўлчамлари массивнинг кучланиш-деформация ҳолатини акс эттиради ва Зармитан кони шароити учун массив участкаларининг кон зарбасига хавфлилигини, участкаларнинг кучланганлигини башоратлаш усулини ишлаб чиқишни, коннинг турли қисмларининг кон зарбаларига мойиллигини баҳолаш имконини беради.

3. Кон-геологик ва кон-техник омилларни таққослаш орқали кучланиш, деформация, ва силжишларни ўзгаришининг олинган графиклари асосида, битта кон лаҳими атрофида табиий ва тектоник бузилишлар билан мураккаблашган тоғ жинси массивида деформация ва кучланишларнинг тарқалиш қонуниятлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида деформациялар характери аниқланди.

4. Қазиб олиш чуқурлигининг ортиб боришида лаҳим ён томонидаги қаттиқ ва юмшоқ қатламлардаги горизонтал силжишлар фарқи ортади, мос равишда қаттиқ ва заифлашган қатламларнинг силжишлари фарқи ўсади. Қазиб олиш чуқурлиги $H=300$ м бўлганда, силжишлар амплитудасининг ўртачадан оғиши 30% ни, $H=500$ м бўлганда 50% ни, $H=700$ м бўлганда 67% ни ташкил этади.

5. Лаҳим шифтидаги қаттиқ тоғ жинси қатламларининг горизонтал силжишларининг лаҳим ўқи томон сезиларли даражада ошиб бориши қонунияти, лаҳим асосида эса тектоник жиҳатдан бузилган қатламларнинг лаҳим ўқи томон силжишлар устунлиги аниқланди.

6. Лаҳимнинг вертикал ўқи бўйлаб кўндаланг кесимида асос ва шифт тоғ жинсларининг вертикал силжиши, тектоник жиҳатдан бузилган қатлам тоғ жинсининг мустаҳкамлик чегарасини қаттиқ қатламли тоғ жинсининг мустаҳкамлик чегарасига нисбатида $K=0,005-1,000$ лаҳим ён томони бўйича асос ва шифт тоғ жинсларига қараганда 2-2,4 баробаргача катта.

7. Кенгайтирувчи элементлар билан металл арка ромли мустаҳкамлагичнинг кучланиш, силжиш ва деформацияси бўйича ҳисоблашнинг математик модели асосланди ва SolidWorks Flow Simulation дастури кўринишида бажарилди.

8. Мустаҳкамлагичнинг чап устунда жойлашган кучлар таъсирдан эгувчи моментни, гумбазда жойлашган кучлар таъсирдан эгувчи моментни ва ўнг устунда жойлашган кучлар таъсирдан эгувчи моментни ҳисобга олган ҳолда, кучлар таъсирини бошқарувчи металл арка ромли мустаҳкамлагичларни ҳисоблаш схемаси ва ҳисоблаш блок-схемаси такомиллаштирилди.

9. Кучлар таъсири остидаги металл арка ромли мустаҳкамлагичларнинг ҳисоблаш натижалари асосида замонавий SolidWorks FlowSimulation компьютер дастурини қўллаган ҳолда мустаҳкамлагичнинг кучланиш, деформация ва силжиш катталиклари аниқланди.

10. Зармитан кони шароити учун ишлаб чиқилган тавсиялар кон лаҳимининг геомеханик ҳолатини анча яхшилади, бу эса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қиммат турувчи металл конструкциялар сарфини сезиларли даражада камайтиради.

11. Иқтисодий самарадорликка актив геодинамик хавфли ҳудудларда лаҳимларни қайта мустаҳкамлаш ҳажмини камайтириш орқали эришилади. Таклиф қилинган тавсияларни қўллаш натижасида кутилаётган иқтисодий самарадорлик хавфли ҳудуддаги 100 м горизонтал кон лаҳими учун 280 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 17/04.06.2021.Т.06.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЧОРИКУЛОВ АКБАР ОРОМКУЛ УГЛИ

**ИССЛЕДОВАНИЕ НАПРЯЖЁННОГО СОСТОЯНИЯ ГЛУБОКИХ
ГОРИЗОНТОВ ЗОЛОТОРУДНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ И РАЗРАБОТКА
ОПТИМАЛЬНЫХ ПАРАМЕТРОВ ПОДГОТОВИТЕЛЬНЫХ ГОРНЫХ
ВЫРАБОТОК**

04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2021.1.PhD/T2067.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горно-технологическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.ndki.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Назаров Зоир Садикович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Аликулов Шухрат Шарофович
доктор технических наук, доцент

Махмудов Дилмурод Рахматжонович
доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент

Ведущая организация: филиал Национального исследовательского
технологического университета «МИСиС»
в г. Алмалык

Защита диссертации состоится 9 сентября 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 17/04.06.2021.T.06.02.при Навоийском государственном горно-технологическом университете (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Зал заседаний Навоийском государственном горно-технологическом университете. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийский государственного горно-технологического университета. (зарегистрирован за №95). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуд Таробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 18 августа 2022 г.

(реестр протокола рассылки №50 от 18 августа 2022 г.).




И.Т. Мислибаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Ш.Ш. Заиров
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Н.А. Абдуазизов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире современное развитие горнодобывающей отрасли непосредственно связано с разработкой сложноструктурных месторождений полезных ископаемых (МПИ) на больших глубинах в условиях геодинамического и геомеханического риска. По разным источникам, в настоящее время на шахтах находятся в неудовлетворительном состоянии 10-15% всех подготовительных выработок, которые в последующем подлежат перекреплению. Однако, многие важные вопросы в настоящее время далеки от разрешения, что обусловлено сложным характером напряженно-деформированного состояния (НДС) разрабатываемых залежей МПИ, в формировании которых участвуют многочисленные трудноучитываемые природные и техногенные факторы. Одним из решений данной проблемы является разработка методов прогнозирования удароопасности участка зон месторождений и оценка напряженно-деформированного состояния массива горных пород. Особенно важно обратить внимание на то, что при добыче МПИ подземным способом на больших глубинах проявляется горное давление в динамической форме и возникает опасность горных ударов.

В мире на сегодняшний день с увеличением глубины разработок месторождений полезных ископаемых идет устойчивый рост объема применения тяжелых специальных взаимозаменяемых профилей (СВП) для крепления горных выработок. За последние четыре года произошел почти двойной рост цены на профили СВП, что подтверждает необходимость уменьшения металлоемкости рамной крепи, в частности, путем применения расклинивающих элементов. Ведутся научные исследования по созданию и применению методов и средств оценки НДС массива горных пород. В связи с этим особое внимание уделяется оценке естественного напряженного и геомеханического состояния горного массива на основе метода физического моделирования, а также определению размеров НДС для характерных участков горного массива.

В Республике на месторождениях АО «Навоийский горно-металлургический комбинат» достигнут ряд научно-практических результатов по внедрению передовых научно-обоснованных мер повышения эффективности естественных напряженных состояний горного массива методом геодинамического районирования, оценке геомеханического состояния горного массива методом физического моделирования и определению размеров НДС для характерных участков горного массива. В Постановлении Президента Республики Узбекистан² определены важные задачи по «повышению эффективности использования и воспроизводства минерально-сырьевой базы, активному привлечению инвестиций с целью наращивания мощностей горнодобывающих и перерабатывающих предприятий». В связи с этим важно выполнять задачи по обеспечению устойчивости подготовительных горных

² Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4124 от 17 января 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли»

выработок и безопасности горных работ с более экономичными и технологичными решениями на глубоких горизонтах.

